



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида»-ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармони мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2014 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи кунини 28 июль душанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, 2014 йил 28 июль кунини дам олиш кунини деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора, жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 23 июль

Мустақиллик тенгдошлари

ИСТИҚБОЛЛИ ЁШ ОЛИМЛАР МАРКАЗИ

Ўзбекистоннинг иқтисодийётни ривожлантириш, унинг турли соҳаларини техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида эришадиган салмоқли ютуқлари жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланмоқда. Келажаги порлоқ ёш олимларни тайёрлаш ва илм-фан ривожига қаратиладиган катта эътибор мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётида муҳим омиллардан биридир.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги қарийб барча олий таълим муассасаси ўзига хос илмий марказ ҳисобланади. Бу ерда талабалар ва ёш тадқиқотчилар бакалавр ҳамда магистр даражасини олиш билан бирга, ўз ихтиро ва инновацияларини яратиш имконини берадиган илмий изланишлар олиб бормоқда. Жумладан, Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети ҳам шундай масканлардан биридир. Ушбу олий ўқув юртида илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 3-бетда)

ҚИСКА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** «Болажон» истироҳат боғида «Ёзни биз билан»

деб номланган болалар фестивали ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «2014 йил ёз мавсумида болалар-

нинг дам олиши ва соғломлаштиришни самарали ташкил этиш масалалари» мавзусида навбатдаги матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг якуний босқичи ўтказилади.



• Юртимиздаги оилаларнинг 11 фоиздан ортиғи иккитадан енгил автомобилга эга.
• Ўзбекистон автомобиллари 10 дан ортиқ мамлакатга экспорт қилинмоқда.

ҲАР ИККИ ОИЛАНING БИРИДА ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЬ



Жаҳон тарихига назар солсак, эндигина мустақил бўлган давлатларнинг аксарияти учун хос бўлган бир жиҳат кўзга ташланади – улар фақат бугунини ўйлайди, осон йўللарни қидиради.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошида мустақил бўлган давлатларнинг ҳам кўпчилиги шу йўлдан борди. Катта миқдордаги маблағлар ва хориждан олинган кредитлар импорт товарларга, улар билан ички бозорни тўлдиришга сарф этилди. Аввалига ҳаёт фаровонлашган, мамлакат оёққа тургандек кўринди. Лекин валюта маблағлари камайиб, кредитларни қайтариш вақти келганда галвир сувдан кўтарилди. Миллий иқтисодиёт заифлашгани, ишлаб чиқариш орқанда қолгани аён бўлди.

Ўзбекистон бу йўлдан бормади – осон йўллари изламади. Ўзига хос йўлни танлади. Қийин, аммо узоқ истиқболга мўлжалланган вазифаларни ўз олдига қўйди. Ўтиш даврининг мураккабликлари, молиявий тақчилликларга қарамай маблағларнинг асосий қисми иқтисодийётни модернизация қилиш, sanoatни ривожлантиришга йўналтирилди. Тараққий топган мамлакатлар, машҳур компаниялар билан ҳамкорлик ўрнатилди. Замоновий корхоналар барпо этишга киришилди.

Бугун халқимизнинг миллий ифтидорига, мамлакатимиз иқтисодийётининг етакчи тармоғига айланган Асака шаҳридаги автомобиль заводи ҳам истиқдолнинг дастлабки йилларида асос солинди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 1992 йил июнь ойида Корея Республикасига ташрифи асносида эришилган келишувга мувофиқ 1993 йил мартда «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон – Жанубий Корея кўшма корхонаси ташкил этилди ва автомобиль заводи қурилиши бошланди.

Ўша йиллари бундай улкан заводни қуриш учун нафақат иқтисо-

дий ва илмий-техникавий имкониятлар, айна пайтда катта юрак ҳам керак эди. Чунки мамлакатимиз узоқ йиллар давомида фақат пахта етиштиришга ихтисослашган аграр республика бўлиб келган. Бунгача юртимизда оддий велосипед ҳам ишлаб чиқарилмаган. Шу боис ўша пайтларда «бу завод қурилиши охирига етмайди, қурилиб ишга тушсаям, узоққа бормайди» қабилида беписанд гаплар ҳам айтилди, ёзилди. Аммо...

1996 йил 19 июль кунини кўшма корхонанинг расмий очилиш маросими бўлди. Унда Президентимиз Ислам Каримов иштирок этди. Шундан буён бу завод барқарор ишламоқда ва изчил ривожланмоқда. Ички ва ташқи бозорда автомобилларимизга талаб йил сайин ортиб бормоқда. Ўша пайтларда турли фискал фасод гап тарқатганлар энди ушбу машиналарда юрибди. Виждони қийналмасмикан (агар у бор бўлса).

Халқаро автомобиль бозоридаги кескин рақобат, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни шароитида бундай натижаларга эришишнинг ўзи бўлмайди. Бу ишлаб чиқаришнинг муттасил такомиллаштириб бориш, автомобиллар дизайни ва сифатини мунтазам яхшилашни тақозо этади.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз автосаноати ана шу талаблар асосида изчил тараққий этди. Автомобилсозлик корхоналари кўпайиб, маҳсулотлар тури кенгайди. Бугун дунёнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилган «GM Uzbekistan», «Sam Auto», «JV MAN Auto – Uzbekistan»,

«General Motors Powertrain Uzbekistan» сингари кўплаб корхоналарда енгил ва юк автомобиллари, автобуслар, махсус машиналар, двигателлар, кенг турдаги бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилмоқда.

Мамлакатимиз автомобиллари нафақат маҳаллий, балки хорижий бозорларда ҳам ўз ўрнини топти. Замоновий дизайни ва техник имкониятлари билан истеъмолчилар ишончини қозонди. Бугунги кунда автомобилларимиз ўндан ортиқ мамлакатга экспорт қилинмоқда. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси экспорт ҳажминини ва географиясини янада кенгайтириш юзасидан доимий иш олиб бормоқда. Хорижий мамлакатларда Ўзбекистон автомобиль саноатининг 250 дан ортиқ дилери фаолият кўрсатмоқда.

Автомобиль заводининг бунёд этилиши кенг кўламли индустрияни вужудга келтирди. Юртимизнинг турли ҳудудларида ушбу соҳага ихтисослашган ўнлаб замоновий корхоналар пайдо бўлди. Уларда ойна ва ўриндиқлар, салоннинг ички қоплаш қисмлари, лак-бўёқ материаллари, бамперлар, овозсўндиргичлар ва зарбага қарши балкалар, ёнгил бақлари, ташқи ёритиш воситалари, жўглар, электр ўтказгичлар, аккумуляторлар, гилдирак дисклари каби енгил автомобилларнинг барча бутловчи қисмлари ишлаб чиқарилмоқда.

Машиналар учун куч агрегатлари ишлаб чиқараётган «General Motors Powertrain Uzbekistan» корхонасининг ташкил қилиниши автомобилсозлигимиз ривожига янги даврни бошлаб берди. Бундай ноёб ва мураккаб ишлаб чиқариш корхоналари дунёнинг sanoatли мамлакатидоғина мавжуд. Мазкур заводида 1,5 литр ва 1,2 литр сиғимдаги замоновий двигателлар ишлаб чиқарилмоқда.

(Давоми 2-бетда)



• Самарқандда Ўзбекистонда сайлов тизими ва унинг ҳуқуқий асослари мавзусида минтақавий ўқув-семинар ўтказилди. Семинарда жорий йил декабрь ойида ўтказиладиган сайловларга тайёргарлик кўриш, аҳоли ўртасида партия дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб этишда замоновий ва самарали усуллардан фойдаланиш, уларни сайловга оид қонунчилик асослари билан таништиришда партия ташкилотлари олдида турган вазифалар ҳақида сўз юритилди.

• Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал демократик партияси ва Ўзбекистон Фермерлар кенгаши ҳамкорлигида «Юксак меҳнат ғалабаси – яратилган улкан имкониятлар самараси» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

• Сирдарё вилоятида ноқонуний меҳнат миграциясининг олдини олиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда тобора глобал тус олаётган одам савдоси ва ноқонуний меҳнат миграциясининг олдини олиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги корхоналарни ишга тушириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш, маънавий-маърифий тарғибот ишларини кучайтиришга қаратилган вазифалар белгилаб олинди.

• «Кўқон механика заводи» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифати ва рақобатбардорчилиги билан буюртмачиларга маъқул бўлмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида 28 миллиард 240 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Саккиз турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.



• Франциянинг «Publicis» реклама холдинги маъмурияти жорий йилда фойда кўришга умид йўқлигини маълум қилди. Мана, йилнинг ярми ортда қолибдики, компания фаолиятида ижобий натижалар кўзга ташланмапти. Масалан, иккинчи чорак якунида олинган кўтилган 1,9 миллиард евро миқдоридаги даромад ўрнига 1,76 миллиард евро бой берилган.

• Швейцариянинг «Credit Suisse» банки жорий йилнинг иккинчи чорагини 519 миллион евро миқдоридagi зарар билан якунлади. Бу 2008 йилдан бери мазкур молия муассасаси фаолиятида кузатилган энг катта йўқотиш ҳисобланади. «Credit Suisse» ушбу даврда АҚШ ҳукумати 1,9 миллиард евро миқдорида жарима тўлагани боис ана шундай мураккаб вазиятга тушиб қолган.

• Жанубий Кореяда иккита йўловчи поезднинг тўқнашиб кетиши оқибатида бир киши ҳаётдан қўз юмди, 70 нафар йўловчи тан жароҳати олди. Ҳозирча фалокатнинг келиб чиқиш сабаблари номаълум. Бу Жанубий Кореяда шу йилнинг ўзида юз берган иккинчи темир йўл ҳодисасидир.



ҲАР ИККИ ОИЛАНING БИРИДА ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЬ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Этиборлиси, буларнинг барчасини мамлакатимиз мутахассислари амалга оширмоқда. Автомобиль заводларида ишчи ва мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг билим ва тажрибасини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Андижон машинасозлик институти, Фаргона политехника институти, Асака ва Самарқанд автомобилсозлик коллежлари битирувчилари тизимдаги корхоналарда муваффақиятли иш юритмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 27 апрелдаги Қарорига мувофиқ ташкил этилган Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети автомобилсозлик соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимининг муҳим бўлини айтади. Ушбу таълим муассасасида машинасозлик технологияси, энергетика, архитектура ва қурилиш, саноатда ахборот-коммуникация технологиялари ва автоматлаштирилган бошқарув тизими бўйича малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Бу йил ушбу олий ўқув юртининг илк битирувчилари мамлакатимиз автомобилсозлик корхоналарида фаолият бошлади.

Бугунги кунда автомобилсозлик саноатида 23 мингдан ортиқ юрtdошимиз меҳнат қилмоқда. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси томонидан мамлакатимиздаги икки юздан зиёд корхона билан кооперация алоқалари йўлга қўйилган.

Мамлакатимиз автомобилсозлари замон талабларидан келиб чиқиб, автомобилларни такомиллаштириш, моделлари турини кўпайтириш юзасидан мунтазам иш олиб бормоқда. Жорий йилда «GM Uzbekistan» компаниясида яна бир янги автомобиль – «Chevrolet Orlando» оилавий минивэни ишлаб чиқарила бошланди.

«General Motors»-нинг энг сўнгги ютуқларини ўзида муҳассам этган ушбу автомобиль аҳолий дизайни ва хавфсизлик тизими, юксак техник хусусиятлари билан ажралиб туради: У 141 от кўчи-га эга, 100 километрга ўртача 7,9 литр ёнғил сарфлайди. Салонининг кенглиги ва шинамиги, юк ташиш имконияти кенгайтирилган истеъмолчиларга қўлайлик яратди.

Автомобил аҳолининг узоғини яқин қилади-ган, ҳаёт сифатини оширадиган воситалардан бири. Мустақиллик йилларида халқимиз турмуш даражаси нақадар юксалганини биргина шу жиҳат орқали ҳам англаш, ҳис қилиш мумкин.

Илгари қишлоқларда битта-иккита машина булар, кимнингдир шошилинч иши чиқиб қолса, ўшаларникига чопарди. Шаҳарлар, ҳатто, Тошкент кўчаларида ҳам автомобиллар камбў бўларди.

Бугун энг чекка қишлоқда ҳам юкинги эрда қолмайди. Ҳар икки юнинг бирда машина. Баъзи оилаларда иккитадан автомобиль бор. Исталган йўналишга таксилар қатнаб турибди. Уйда ўтириб таксига буюртма бераверасиз.



Мамлакатимиз кўчаларида автомобиль қатнови бир зум тинмайди. Машиналар кўпلىгидан тирбандликлар юзга келмоқда. Тўхташ жойлари етмай, кўпқаватли автотураржойлар барпо этилмоқда.

Аҳолининг юртимизда ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар билан таъминланиш даражаси тобора ўсмоқда. Агар 2000 йилда ҳар 100 оилага ўртача 20 та енгил автомобиль тўри келган бўлса, бугунги кунда бу рақам 41,4 тага етган. Оилаларнинг 11 фоиздан ортиги иккитадан енгил автомобилга эга.

Бу кўрсаткичлар мамлакатимиз жадал ривожланаётгани, халқимиз фаровонлиги ошиб бораётганидан далолатдир. Тарихан қисқа даврда, ўз кучимиз, ўз ақлу заковатимиз билан шундай улкан муваффақиятларга эришаётганимиз эртанги кунга ишончимизни мустаҳкамлайди. Фидойи ва меҳнаткаш халқимиз бор экан, мамлакатимиз янада раванг топади, келажак бугундан-да саодатли бўлади. Чунки биз танлаган тараққиёт йўли энг тўри йўл эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Кун кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод, Ижтимоий-маданий ривожланиш ҳамда Коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясига ёрдам берувчи халқ депутатлари Тошкент шаҳар ишчи гуруҳи ҳамкорлигида қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ЙИҒИЛИШИ

Унда Халқ таълими бош бошқармаси ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси тизимида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси, Учтепа, Чилонзор ва Юнусобод туманларида аёллар ва ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш, нотинч оилаларга эътибор қаратиш бўйича олиб борилаётган ишлар, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг боланинг соғлиғини сақлаш ҳуқуқи кафолатларига доир қисмининг Тошкент шаҳридаги ижроси кўриб чиқилди.

Шунингдек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилган масалалар атрофида муҳокама этилди.

Йиғилишда туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман марказлари раҳбарлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вакиллари иштирок этди.

Йиғилиш якунига кўра доимий комиссиялар томонидан кун тартибидagi масалалар юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу кун халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотни амалга ошириш ва тадбиркорлигини ривожлантириш, Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш ҳамда Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари

фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясига ёрдам берувчи халқ депутатлари Тошкент шаҳар ишчи гуруҳи ҳамкорлигида қўшма йиғилиши ҳам бўлиб ўтди.

Унда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги ўттиз еттинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар, жумладан «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг бажарилиши ҳамда Тошкент шаҳрини 2014 йилнинг биринчи ярим йиллигида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иккинчи ярим йилликда ислохотларни янада чуқурлаштиришга доир вазифалар муҳокама этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар бошқармасининг жорий йилнинг ярим йиллиги давомидаги фаолияти, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси юзасидан туман ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда иқтисодий ислох қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Бектемир ва Олмазор тумани ҳоким-ларининг ҳисоботи, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясининг жорий йилнинг ярим йиллигига оид фаолияти кўриб чиқилди.

Бундан ташқари миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш ҳамда Тошкент шаҳридаги баъзи географик объектлар номларини тартибга келтириш ҳамда Кенгаш ваколати доирасидаги бошқа масалалар муҳокама этилди.

Йиғилиш якунига кўра кун тартибидagi масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

метли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббус қилинади.

Қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тақлифларни кўриб чиқиш учун қўлай бўлган шаклда ишлаб чиқилганлиги тегишли тартибда кўриб чиқишига имконият яратди. Бу мақсадда кўпинча асослантириш жадвали ва таққослама жадваллардан фойдаланилади ва тақлифларни кўриб чиқиш ваколатига кирувчи идораларга юборилади.

Асослантириш жадвали муайян муаммо ҳақида умумий тасаввурни шакллантиришга ва уни ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш орқали ҳал этиш зарурати борлигига ишониришга қаратилган бўлади.

Таъкидлаш жоизки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш тўғрисида тақлифларни тайёрлашда фақатгина электрон маълумотлар базасига таяниш мумкин эмас. Ҳуқуқий нормаларни расмий нашр этилган манбалар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг назорат нусхалари билан таққослаш зарур. Бу ўз навбатида, баъзан электрон маълумотлар базасида учрайдиган хато ва ноаниқликларни олдини олишга имконият беради.

Ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича сифатли тақлифларни тайёрлаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва қонунчилик техникаси қоидаларини мукаммал билишни талаб қилади.

Бундан ташқари, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тайёрланган тақлифларни юқори самарадорлиги ва сифатини таъминлаш мақсадида уларни мутахассислар билан, биринчи навбатда тегишли соҳалардаги амалиёт ва фан вакиллари билан муҳокама қилиш лозим. Алоҳида ҳолларда ваколатли ҳуқуқни қўловчи органлар ва ташкилотлардан тегишли тартибда хулоса сўраб олиш мумкин.

Қонунчиликдаги номувофиқликларни аниқлаш ҳамда ушбу камчиликларни бартараф этиш амалиётида содир этилаётган қонун бузилиши ҳолатларининг шарт-шароитларини бартараф этишга хизмат қилади.

**Жаҳонгир СОТИБОЛДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги масъул ходими**

2014 йил — Соғлом
бола йили

АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИГА АМАЛИЙ КЎМАК

Тошкент шаҳрининг Учтепа туманидаги «Кўкча-Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғинида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Европа Иттифоқининг ҳамкорлигидаги лойиҳаси доирасида аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган «Ахборот ойнаси» ташкил этилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда лойиҳа ташкилотчилари, тегишли идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳаллалар, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, банк-молия тузилмалари мутасаддилари, экспертлар иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жамият ҳаётининг барча соҳаларини жадал ислох этиш борасидаги саъй-ҳаракатларда аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ҳимоялаш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини тобора юксалтириш, аёллар, оилавий тадбиркорлиқни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш масалаларига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда аёлларнинг ҳуқуқий, иқтисодий билим ва малакасини ошириш, коллежни тамомлаган қизларнинг ўз хусусий ишини бошлаш учун яқиндан кўмаклашиш, уларнинг меҳнат бандлигини таъминлашга оид қўллаб-қўллаб лойиҳаларни ҳаётга муваффақиятли жорий этаётир.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида хотин-қизлар бандлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш, юртимизнинг турли ҳудудларидаги маҳаллаларда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича ахборот, таълим ва консалтинг хизматларини кўрсатиш учун «ягона ойна» тизимини ташкил этиш кўзда тутилган. Бу эса эҳтиёжманд оилалар учун даромад олиш имкониятларини кенгайтириш бўйича ижтимоий ёрдамлар қўламини оширишда муҳим роль ўйнамоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Европа Иттифоқининг Эҳтиёжманд оилаларга даромад манбаларини яратишда ижтимоий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш бўйича янги дастурлар лойиҳаси доирасида жойларда хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга оид жамоатчилик гуруҳлари тузилди. Жорий йилнинг февраль-май ойларида нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан маҳалласини ошириш, ижтимоий маркетинг ва маблағларни бошқариш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ижтимоий шерикликка оид туркум ўқув-семинарлар ташкил этилди. Мазкур машғулотларда Ахборот ойналари фаолиятини самарали олиб борадиган мутахассислар тайёрланди.

– Маҳалламизда аҳоли, айниқса аёллар, ёшлар, коллежни битирган қизларнинг бандлигини таъминлаш масаласи доимий эътиборда, – дейди ЎЗА муҳбирига «Кўкча-Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Собитхўжа Имомов. – «Ахборот ойнаси» хотин-қизларга ҳуқуқий маслаҳат бериш, тадбиркорликка оид зарур маълумот ва ахборотларни олишда, уларни бу йўналишдаги миллий қонунчилигимиз билан таништиришда, тегишли идора ва ташкилотлар билан боғланишга кўмаклашишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Назokat УСМОНОВА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги унга юклатилган вазифаларга асосан қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқади. Мазкур тақлифлар давлат органларининг ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини мониторинг ва таҳлил қилиш натижаларига асосланади. Улар ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдаги бўшлиқлар, «оқ доғлар»ни тўлдиришга ҳамда қонунчиликда мавжуд бўлган номувофиқликларни бартараф этишга йўналтирилган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш олдиндан аниқланган тартибга солиш соҳаси бўйича ўтказилиши лозим. Ўрганиш предмети дастур ёки иш режа ёхуд тадбирни ўтказиш ҳақидаги топшириқ билан белгиланади.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирда Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий базаси жуда кенг қамровли ахборотни ўзида муҳассам этган. 2014 йил ҳолатига норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сони 10 мингдан ортиди. Шу сабабдан, қонунчилик таҳлилини ўтказишдан олдин, ўрганиш лозим бўлган ҳужжатлар доирасини белгилаб олиш талаб этилади.

Ахборот технологиялари ривожланиб бораётганиги сабабли, ҳозирда қонунчилик инвентаризацияси хатлов кескин соддалаштирилди ва электрон ҳуқуқий базани қўллаш орқали ўтказилади. Ўрганилаётган масала бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва нормаларнинг бутун доирасини аниқлаш учун электрон базаларнинг қуйидаги имкониятлари кўмаклашади.

Ҳужжатларни асосий сўзлар, классификаторлар, мавзули маълумотномалар бўйича қидириш ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳавола қилиш.

Хатлов якунлангандан сўнг танлаб олинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунини ўрганилади. Бу уларнинг электрон шаклини ёхуд қоғоз матнларини ўқиш йўли орқали амалга оширилади.

Ҳуқуқий база таҳлилини ўтказувчи ходимга қўйилган умумий талаблар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга оид қонунчиликни, энг аввало норма-

ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

лумотлар ва мисоллар билан тасдиқланганда, ҳуқуқий базанинг таҳлили натижалари энг ишончли ҳисобланади.

Мониторинглар ва таҳлиллар одатда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тақлифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш билан тугалланади. Тақлифларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки қандай предметли ҳужжатлар қабул қилиш кераклигини кўрсатиш лозим.

Одатда, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тақлифлар;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга уларда мавжуд бўшлиқлар, зиддиятлар ва бошқа камчиликларни бартараф этиш мақсадида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

жамиятдаги муносабатларнинг алоҳида соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида янги пред-

(Давоми. Боши 1-бетда)

Университетнинг ихтисослаштирилган кафедралари негизда қирқдан ортиқ инновация гуруҳлари ташкил этилган, саноат корхоналари билан корпоратив ҳамкорлик тўғрисида юздан зиёд шартнома имзоланган. Айни пайтда ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларини модернизация ва реконструкция қилиш, экология, энергия ва ресурсларни тежаш муаммоларини ҳал қилишга қодир янги турдаги техника ва технологияларни ишлаб чиқишга оид икки мингдан ортиқ долзарб масалалар устида иш олиб боришмоқда.

2011 йилда ташкил этилган ва ёш иштиқболли олимлар тайёрлайдиган Ёшлар инновацион фонди маркази университетнинг илмий ва инновацион ишланмаларини яратишда муҳим ўрин тутмоқда.

— Иқтидорли талабаларни аниқлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг илмий-инновацион фаолиятини рағбатлантириш марказнинг асосий вазифаларидандир, — дейди марказ директори, кимё фанлари номзоди Алишер Менглиев. — Бугунги кунда бу ерда юздан зиёд иқтидорли ва иштиқболли ёш олимлар изланиш олиб бормоқда.

Келажақда профессор ва академик бўлишни ўз олдига мақсад қилган бакалавр ва магистрантлар энергетика, геология, нефть-газ тармоғи ва гидродинамика бўйича изланишлар олиб бораётди. Улар «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси, Шўртан газ-кимё мажмуаси, «Ўзкимё-саноат» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбек-қумир» очик акциядорлик жамияти, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти, «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси, «Ўзметкомбинат», «Ўзкимёмаш» очик акциядорлик жамиятлари каби етакчи саноат корхоналари бюртмалари асосида амалга ошириладиган юздан зиёд инновацион лойиҳаларда иштирок этмоқда.

Илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштириш масаласини ҳал этиш учун тайёр илмий-технологик ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш зарур. Шу боис бугун Ёшлар инновацион фонди маркази фаолияти доирасида университет, шунингдек, илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтларининг юқори малакали мутахассислари раҳбарлигида инновацион технологияларни

ишлаб чиқиш билан шуғулланидиган ёшлардан иборат лойиҳа-технология гуруҳлари ташкил этилмоқда.

Иқтидорли талабаларни тайёрлаш мақсадида махсус тизим жорий қилинмоқда. Бу тизим ҳар бир кафедрда талаба ва магистрантларни ўқитиш сифатини, шунингдек, саноатнинг долзарб муаммолари бўйича битирув малака ишлари ва магистрик диссертацияларини баҳолаш имконини беради.

Энг илғор ускуналар билан жиҳозланган ушбу замонавий илмий-тадқиқот маркази ҳар бир ёш тадқиқотчиға ўз истеъдодини юзага чиқариш имконини яратмоқда. Чунончи, марказ аудиторияларидан бирида Eclipse, Petrel ва Hysys каби махсус дастурий таъминот воситалари ўрнатилган замонавий компьютерлар мавжуд. Бу ерда ёш

дан, электроника ва автоматика факультети магистранти Жамшид Холиқулловнинг техник ишланмалари — атмосфера чангланшини микропроцессорли ўлчаш асбоби ва микропроцессорли ойнали электрон ҳисоблагич VII Инновацион фондлар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида юқори баҳоланди. Ёш муҳандиснинг ушбу ишланмаларига сифат сертификати берилди ва ишлаб чиқариш учун тавсия этилди.

Шахта печларининг ишлаш жараёнини оптималлаштириш бўйича ресурс тежайдиган қурилмани тақдим этган механика-машинасозлик факультети магистранти Шарофиддин Мардонқулов «Юрт келажиги» республика кўрик-танловининг финал босқичида ғолиб бўлди.

— Президентимиз Ислам Каримов «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилишидаги нутқида тинчлик ва барқарорлик бўлмаса, илм-фан соҳасида ҳеч қандай ўсиш, тараққиёт бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлади, — дейди

Ш. Мардонқулов ЎЗА муҳбирига. — Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик шароитида камол топган мен ва тенгдошларим давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзлари нақадар тўғрилигини яхши англаймиз. Мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани бизни янада улкан марралар сари ундамоқда. Зеро, биз Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний ва Мирзо Улуғбек каби буюк алломаларнинг авлодларимиз.

Университет олимларининг ихтиро ва инновацион ишланмалари катта иқтисодий фойда келтираётгани ҳам қувонарлидир. Маркетинг бўлимида маълум қилишларича, университет ва мамлакатимизнинг етакчи саноат компаниялари ўртасида тузилган шартномалар умумий қиймати бир миллиард сўмдан ошади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетининг иқтидорли талабаларини илмий тадқиқотлар ва лойиҳа-технологик вазифаларни ҳал этишга жалб қилиш стратегияси мутахассислар малакасини сифат жиҳатидан юксалтиришда ўз самарасини бермоқда. Зеро, мақсад сари интилувчан ва билимдон ёшлар Ўзбекистон илм-фани келажигини яратмоқда.

Бобур ОБИДОВ

ИСТИҚБОЛЛИ ЁШ ОЛИМЛАР МАРКАЗИ

олимлар энергетика ва нефть-газ тармоғидаги жараёнларни уч ўлчамли геологик ва гидродинамик моделлаштириш борасида ўз кўникмаларини такомиллаштирмоқда. Шу ернинг ўзида нефть ва газни қазиб олиш, қайта ишлаш, сақлаш ҳамда транспортировка қилишга доир лойиҳаларни дастурлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Яна бир хона интернет тармоғига уланган компьютерлар билан жиҳозланган. Бу ерда ёшлар AutoCAD, Mathcad ва КОМПАС дастурларидан фойдаланиш бўйича ўқитилмоқда. Ёш олимларнинг таъкидлашича, мазкур дастурий таъминот махсулотлари ёрдамида автоматлаштирилган икки ва уч ўлчамли лойиҳалаштириш ишлари амалга оширилади. Бу, ўз навбатида, машинасозлик, архитектура, қурилиш ва бошқа саноат тармоқларида қўллаб-вазифаларни ҳал этиш имконини беради.

Австралиялик шериклар билан ҳамкорликда тегишли компьютер дастурларини ўзлаштиришни такомиллаштириш имконини берадиган геологик ахборот тизимларини яратиш борасида махсус курслар ташкил этилган.

Марказнинг ёш олимлари турли ярмарка ва кўргазмаларда ўз инновациялари ва ихтиролари билан муваффақиятли иштирок этмоқда. Жумла-

ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ЯРАТИЛГАН

Одам савдоси инсоннинг ҳаёти, эркинлиги ва ҳуқуқларидан маҳрум қилиб, бировларнинг қўлида қўл бўлишига маҳкум этади, умрига зомин бўлади, эрки, тақдир ва келажакни оёқости қилади. Ана шундай жиҳатлари билан ҳам у энг оғир ва жирканч жиноятлардан саналади. Минг афсуски бундай мудҳиш жиноятга қўл ураётган нопок кимсалар ҳали-ҳамон орамизда учраб турибди.

— Мени ўз дугонам алдади, — дейди Афсона (исми ўзгартирилди). — «Чет элга ишга кетамиз, у ерда холамнинг дугонаси тадбиркорлик билан шуғулланади. Мени ҳам чақиряпти. Сен ҳам юр. Иккаламиз бирга кетамиз. Бир йилда анчагина даромад топиб келамиз. Бу ерда қачон маош оламман деб юрасанми?», деб ҳолу жонимга қўймади. Шундан сўнг мен ҳам унинг таклифига рози бўлдим. Ота-онамнинг норозиликларига қарамайдан дугонам билан бирга чет элга ишлагача кетдик. Манзилга етиб боргандан кейингина алданганимни ва бу йўлдан чиқиб кетишнинг имкони бўлмаслигини англаб етдим. Аммо энди кеч бўлган эди...

Лекин дунёда яхши одамлар ҳам бор экан. Уларнинг ёрдами билан ўз юртимга қайтдим. Ҳозир вилоят тери-таносил касалликлари диспансерида даволанаётман. Ўткинчи ҳою хавасларга берилган қизларга илтижо қиламан. Кўзингизни каттароқ очинг, пулу зеб-зийнатга учиб алдов курбони бўлманг. Улар сизга ҳеч қачон бахт беролмайди. Эҳ, нега ўшанда отажонимнинг гапларига кирмадим...

Одам савдосига қарши курашиш, одамларни чет элларда мажбурий меҳнатга жалб қилишнинг олдини олиш ҳамда бу борадаги жиноятларни тағ-томири билан йўқ қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 322-буйруғи ижросини таъминлаш ва одам савдосидан жабрланганларга тиббий ва психологик ёрдам кўрсатишни белгиланган тартибда ташкил этиш мақсадида Республика маънавий-маърифий тадбир сўнгига фаол иштирок этган ва турли қизиқарли ўйинларда ғолиб бўлган болажонлар «Камолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Болажонларнинг ёзги таътил вақтини мароқли ва мазмунли ўтказишда бу каби тадбирларнинг ўрни бекиёс. Асосийси, улар ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятининг юксалишига хизмат қилади. Ушбу лойиҳа ёз мавсуми давомида болажонларни хурсанд қилиб, уларнинг қувончига қувонч қўшади деган умиддамиз.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ



Ёшлар Шамшидинов (ЎЗА) олган сурат

«Камолот» лойиҳалари

БОЛАЛИКНИНГ ОЛТИН ДАМЛАРИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши томонидан «Ёшнинг «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида «Болаликнинг олтин дамлари» деб номланган маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олаётган болажонларнинг таътил вақтини мароқли ўтказиш, истеъдодларини намойиш этиш, спорт билан шуғулланиш, билим олиш ва ўз устида ишлашлари учун кенг имкониятлар яратиб бериш учун «Камолот» ЁИХ шаҳарча Етакчилар Кенгаши томонидан маҳаллаларда самарали ишлар олиб боришмоқда.

Жумладан, ёзги таътил мавсумида болаларни ўз хоҳишларига кўра турли хунарларга йўналтиришга қўмаклашиш ва маданий дам олишларини тўғри ташкил этиш мақсадида «Камолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши томонидан «Юлдузча» номли болалар соғломлаштириш оромгоҳида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир фикримиз далилидир. Унда ушбу оромгоҳда ҳордиқ чиқараётган 120 нафар болажон иштирок этди.

Тадбир давомида Тошкент хизмат кўрсатиш ва сервис колле-

МИЛЛИЙ КУТУБХОНА ФОНДИ ЯНГИ МАНБАЛАР БИЛАН БОЙИТИЛДИ

Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг фонди янги китоблар билан бойитилди.

Бу манбалар С.В. Чепелнинг «Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг барқарор ривожланиш истиқболи андозасининг яратилиши ва тизимли таҳлили» («Системный анализ и моделирование перспектив устойчивого развития национальной экономики Узбекистана») монографияси ва ёш иқтисодчи олимларнинг «Иқтисодиётнинг модернизацияси ва ривожлантириш захираларини жалб этишнинг илмий асослари» («Научные основы мобилизации резервов роста и модернизации экономики») номли тўпламлардир.

Ёш иқтисодчи олимлар амалиётга оид тўпламга миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминловчи макроиктисодий сиёсат, мамлакатнинг етакчи тармоқларини қайта модернизация қилиш ва инновацион ўсишни таъминловчи чуқур таркибий ислохотлар тўғрисидаги ҳамда уларни амалга оширишдаги мавжуд салоҳият ва имкониятларни сафарбар этиш йўналишлари бўйича турли мақолалар киритилган. Уларда кўтарилган ижтимоий соҳани янада ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини ошириш масалалари ёш олимларнинг миллий иқтисодиётнинг инклюзив ўсиши, ҳудудлардаги ўсиш жабҳаларини ўрганиш борасидаги изланишлари билан чамбарчас боглиқ ҳолда таҳлил қилинган.

Мазкур тўплам ҳамда С.В.Чепел монографияси миллий иқтисодиёт, унинг соҳалари, ҳудудлардаги ва корхоналардаги тизимли таҳлил ва моделлаштириш масалалари билан қизиқувчи илмий ходимлар, мутахассислар, амалиётчилар, талабалар ва китобхонлар учун мўлжалланган.

«Туркистон-пресс»

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«КОР ТАРМОҚИ ҚО'СНМАС МУЛК САВДО» МЧЖ бошланғич баҳоли босқич-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан 14.05.2014 йилдаги №16193/6-сонли ижро ҳужжати асосан, 1) Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Меҳржон 3-тор кўчаси, 14-уйда жойлашган умумий ер майдони 153,0 кв.м., фойдали майдони 92,2 кв.м.дан иборат бўлган (турар-жой), бошланғич нархи — 38 325 000 сўм; 2) Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Истикбол кўчаси, 2-уйда жойлашган умумий фойдали майдони 25,73 кв.м., яшаш майдони 10,60 кв.м.дан иборат бўлган 64-хонадон (турар-жой), бошланғич нархи — 46 050 000 сўм бўлган қўчмас мулклар қўйилмоқда; Аукцион савдоси 2014 йилнинг 26 август куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10% дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «КОР ТАРМОҚИ ҚО'СНМАС МУЛК САВДО» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ҳисоб рақамига 20208000104931635001 тўлашлари шарт. МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш қўнғари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир иш кўни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: №0039

Республика Рассомлик коллежи 2014-2015 йилларда таълим муассасасида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида ўз ошхонаси буюфетини ижарада бериш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Манзил: Тошкент шаҳри, Фўрқат кўчаси, 6-уй.
Тел. 245-05-56, 245-07-47.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ қуйидагиларни маълум қилади!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 23 июлдаги «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Рамазон ҳайитининг биринчи кўни 2014 йил 28 июль дам олиш кўни деб белгиланганлиги сабабли «Respublika mulk markazi» ЁАЖ марказий идорасида **2014 йил 28 июль кўнига** белгиланган аукцион савдолари **2014 йил 29 июль кўнига** қўчирилганлигини маълум қиламиз.

Телефон: 228-79-52. www.rmm.uz.

Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан «GOLDEN MUSTANG TRANS» масъулияти чекланган жамиятига 2012 йил 29 мартда берилган АТ № 0027886 ва АТ № 0027886 сонли лицензиялар йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Азизбек НИЗАМОВ,
Тошкент шаҳар тиббий статистика
ва саломатлик институти директори
ўринбосари



МИЛЛИЙ ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ — БЕКЎС БОЙЛИГИМИЗ

Бугунги кунда ёш авлоднинг ота-боболаримиздан бизгача меърос бўлган халқ ўйинларида иштирок этиши юртимизда келажак авлод тарбиясига қаратилган эътиборнинг яққол намунаси десак муболаға бўлмайди.

Шаҳримиздаги Эко-боғда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан «Ёшлар «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Миллий халқ ўйинлари — беқўс бойлигимиз!» шиори остида миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари фестивали ташкил этилди.

— Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад ёшлар қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, миллий урф-одат ва анъаналаримизга меҳр-содқат туйғуларини шакллантириш, халқ ўйинларини улар орасида кенг тарғиб қилиш ҳамда йўқолиб бораётган халқ ўйинлари ва спорт турларини оммавийлаштиришга эришишдан иборатдир, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши фаоли Отабек Собитов.

Мустақил, озод ва обод «Шарқ дурдонаси» дея эътироф этилган Тошкентимиз осмоний узра баланд парвоз қилган варрақларни кўриб, кўзинг қувнайди. Ёшларнинг тақдорларимас онлари — жўшқинлик, шижоат, азму ғайрат

кўнглида барқ уриб турган ёшларимиз сизу бизнинг келажакимизнинг ҳал қилувчи кучлари эканлигига ишонч ҳосил қила-сиз.

— Экобоғга кирган ҳар бир кишининг «Камолот» фаоллари ташаббуси билан ташкил этилган миллий халқ ўйинлари фестивалини томоша қилиб, баҳри-дили яйдирди, — дейди тадбир қатнашчиси Азиза Умирзакова. — Боғдаги деворий газеталар, ўзига хослик акс этган либослар киши эътиборини нафақат жалб қилади, балки ҳавас уйғотади ҳам.

Дарвоқе, тадбирда бир қанча болалар бадий жамоаларининг чиқишлари, «Ўзбекнаво» бирлашмасининг ёш хонандалари ижросидаги кўшиқлар йиғилганларга янада кўтаринки кайфият улашди.

Фестиваль сўнггида фаол иштирокчилар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгашининг диплом ҳамда фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Зафар НАЗАРОВ
Ислом Исмоилов
олган сурат

Шу кунларда Тошкент шаҳрида синхрон сузиш бўйича мураббийлар учун ўқув-амалий семинар ҳамда маҳорат сабоқлари ўтказилмоқда. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган 27 нафар мураббий ўз билим ва маҳоратларини янада оширмоқда.

СИНХРОН СУЗИШ БЎЙИЧА СЕМИНАР

Мазкур семинарда иштирок этаётган мураббийлар учун назарий ва амалий машғулотлар синхрон сузиш бўйича мамлакатимиз терма жамоаси бош мураббийси Галина Краснова бошчилигида олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси матбуот хизматидан маълум қилишларича, семинар иштирокчилари учун даставвал амалий машғулотлар ўтказилди. Сўнгра пойтахтимизнинг мухташам сузиш ҳавзаларида бўлиб ўтган семинарда иштирокчилар синхрон сузишнинг энг нозик ва жозибадор жиҳатларини ўзлаштирдилар.

Бугун куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасида ўқув-амалий семинар иштирокчилари учун назарий машғулотлар бошланди. Семинарда Сув спорти турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби директори Валентин Хусанов сўзга чиқиб, ўқув-амалий семинарни ташкил этишдан кўзланган мақсад, унинг аҳамияти томонлари ва мураббийлар ма-лакасини ошириш орқали жойлардан янгидан-янги иқтидорларни кашф этиш ишларини янада яхшилаш борасида атрофича тўхталиб ўтди ва бу каби семинарлар келгусида ҳам мунтазам равишда ўтказилиб борилишини таъкидлади.

Таъкидлаш лозимки, семинар машғулотлари икки кун давомида ўтказилиб, унда мураббийлар синхрон сузиш спорт турининг назарияси билан яқиндан танишдилар.

Ғанишер ТОХИРОВ,
«Туркистон-пресс»

ҚИЗГИН БЕЛЛАШУВ

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлигида Ўзбекистон Миллий университетининг ҳарбий кафедрасида таҳсил олаётган курсантлар ўртасида спортнинг армрестлинг тури бўйича беллашув ўтказилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши ва Ўзбекистон Миллий университети ҳарбий кафедраси ҳамкорлигида ташкил этилган беллашувда ҳар бир бўлинма бўйича 2 нафардан иштирокчи қатнашди.

Бундай мусобақаларнинг ўтказилиши ҳар бир курсант қалбида она Ватанга муҳаббат, садоқат ва қолаверса, соғлом турмуш тарзи бўлган спортнинг нақадар кучли ҳиссиёт уйғотиши билан бирга фахрлиниш туйғуларининг шаклланишини таъминлайди.

Тадбирда иштирок этиб, ғолиблик учун курашаётган курсантларнинг 50 нафар сафдоши беллашувнинг янада қизгин ва кўтаринки кайфиятда ўтишига замин яратди. Ғолиб ва совриндорлар эса «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгашининг фахрий ёрлиғи ва дипломлари билан тақдирланди.

Зиёда РАСУЛОВА



ЎЗБЕК ЖАНГ САНЪАТИ УСТАЛАРИ ҒОЛИБЛАР САФИДА

Мусобақада ўзбек жанг санъати усталари ҳам яккалик ва жуфтлик баҳсларида муносиб иштирок этди.

Пойтахтимизда шу муносабат билан ташкил этилган матбуот анжуманида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар самарасида ўзбек жанг санъати халқаро миқёсда тан олинаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўтган йиллар давомида Франция, Италия, Испания, Россия, Литва ва Жанубий Корея, АҚШ сингари давлатларда ўтказилган халқаро мусобақаларда ўзбек жанг санъати вакиллари ҳам ўз маҳоратини намойиш этди.

Алмати шаҳрида яккакураш спорт турлари бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда йигирмадан эиё давлатдан уч минг нафарга яқин спортчи миллий яккакураш спорт турларини намойиш этди.

Қозоғистондаги жаҳон чемпионатида Жонибек Абдурахмонов, Ҳасан Дўстбоев, Достон Сатторов, Аслибек Шералиев, Шерзод Курбонов, Жамил Юсупов, Шаҳбоз Ўктамов, Даврон Солиев, Жасурбек Холмуродов, Хожиақбар Абдурахмонов, Азиз Абдураимов, Шаҳзод Абдуразоков, Моҳигул Йўлдошева, Гулрух Султонова каби спортчиларимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилди.

— Катта спортга қадам қўйган ҳар бир спортчи жаҳон чемпиони бўлишни орзу қилади, —

дейди мусобақа ғолиби Азиз Абдураимов. — Мамлакатимизда спорт билан шугулланиш учун яратилаётган шароит ва имкониятлар ана шундай эзгу орзуларимизни рўёбга чиқармоқда.

Нуфузли мусобақада спортчиларимиз яккалик, жамоавий баҳслар ва кўргазмали чиқиш бўйича 27 олтин, 8 кумуш ва 6 бронза медални қўлга киритди.

Ж.АХМЕДОВ

(ЎзА)
Муҳаммад Амин олган сурат

ган. Бу ерда топилган нумизматик ва бошқа топилмалар эрамининг VI-VIII асрларида Қаршувултепанинг асосий ҳаётини тасвирлаб беради.

Археологик топилмалар ичида тарнавча деб номланган тангалар гуруҳларга ажратилиб, уларда туя, от ва йиртқич ҳайвонлар тасвирланган.

Асосий қизиқиш — қадимги тошдан ясалган маржонлардир. Бундан ҳам янада қизиқарли топилмалар бор. Кўп топилмалар бу шаҳарчада зардуштийлик жамоалари яшаганлигини кўрсатмоқда. Улар орасида сўғд тилида «Баго-фарн» ёзуви битилган. Бу ёзувлар Эрмитаж музейининг тилшунос олими П. Лурье томонидан ўқилган. Олимнинг фикрича, архитектура тузилиши бўйича вайроналар ибодатхоналарни ифодалайди, чунки бу жойларда одамлар сифинишган.

Археологик экспедиция жамоаси Қаршувултепада кейинги йилларда бир неча бор археологик қазилма ишларини олиб борди.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

Мутахассис маслаҳати ПРОФИЛАКТИКА ЧОРАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНГ

Ўткир юқумли ичак касалликларига қорин тифи, паратифлар, дизентерия, сальмонеллезлар ва бошқа шу гуруҳга мансуб касалликлар киради. Соғлом инсонга, бу касалликларни қўзғатувчилари билан ифлосланган озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳўл ва резавор мевалар, полиз маҳсулотлари, кўкатлар ҳамда фавворалар ва очик сув ҳавзаларида чўмилганда ифлосланган сув орқали юқорида қайд этилган касалликлар юқиши мумкин.

Кўп йиллик таҳлиллар шуни кўрсатадики, ёш болалар ўртасида ўткир юқумли ошқозон-ичак касалликлари қайд этилишида, ёш оналар томонидан сунъий овқатлантириладиган болалар учун кунлик сутли озуқа маҳсулотларини олдиндан тайёрлаб қўйиб, нотўғри сақланиши ва кун давомида гўдакларга берилиши, бундан ташқари, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини сақлаш ва истеъмол қилиш қоидаларига риоя қилинмаслиги натижасида, бу маҳсулотлар касаллик келиб чиқиши омиллари бўлиб қолмоқда. Айниқса, ҳўл меваларнинг ғарқ пишиш мавсуми бўлмиш ёзда, аҳолининг бозорларда ва шўх кўчалар бўйида вақтинчалик ташкил этилган савдо жойларида сотилаётган ҳўл меваларни ювилмаган ҳолда татиб кўриши ўткир юқумли ичак касалликлари билан хасталанишига сабабчи бўлмоқда. Бундан ташқари, вилоятларда яшовчи фуқаролар томонидан шаҳримизга сотиш учун келтирилаётган сифати кафолатланмаган сут маҳсулотлари ҳам бундай касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Чунки, бу маҳсулотларнинг аксарият ҳолларда, жойлардаги ветеринария хизмати кўригидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатларсиз, бу каби маҳсулотларни ташиш учун мўлжалланмаган автотранспорт воситаларида келтирилиши ҳамда шаҳар ветеринария хизмати кўригидан ўтказилмаган ҳолда аҳоли гавжум тўпландириган жойлар, метро бекатлари, аҳоли яшаш маззелари ва маҳаллаларга келтирилиб, аҳолига сотилиши санитария-эпидемиология хизмати мутахассисларини ташвишга қўймоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, кейинги вақтда шаҳримизда махсус ажратилмаган жойларда, катта кўча бўйларида, метро бекатларига тушиш жойларда ҳамда ер ости ўтиш жойларида фуқаролар томонидан тартибсиз равишда турли хилдаги уй шароитида тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари ва чанқовбосди ичимликлар билан савдо қилиш ҳоллари давом этиб келмоқда. Бу ҳол пойтахтимиз кўркини бузиб, эпидемиологик вазиятнинг кескинлашувига сабаб бўлмоқда, чунки автомобиль транспорт воситаси чиқиндилари ва йўловчиларнинг оёғи остида фуқаролар томонидан сифати гумонли бўлган маҳсулотларнинг сотилиши аҳоли ўртасида юқумли касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

Шаҳар аҳолиси ўртасида ўткир юқумли ичак касалликларининг олдини олиш борасида, назорат органлари томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлардан ташқари, ҳар бир фуқароннинг ўзи фаол иштирок этиши керак, шундагина шаҳримизда барқарор эпидемик вазиятни юзага келтириб, аҳоли ўртасида юқумли касалликларнинг кескин камайишига эришиш мумкин.

Улўғбек ИРГАШЕВ,
Яккасарой туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази санитария бўлими мудири

Кўргазмалар

ҚАДИМИЙ МАДАНИЙ МЕРОС НАМУНАЛАРИ

Икуо Хираяма номидаги халқаро маданият карвон саройида «VI-VIII асрларда Қаршувултепанинг маданий мероси» мавзусида кўргазма очилди.

Кўргазмадан Халқаро маданият карвон саройи музей бўлимида сақланиб келинаётган археологик топилмаларнинг 60 дан ортиқ тури ўрин олган.

Кўргазманинг очилишида археолог Константин Шейко сўзга чиқиб, Қаршувултепа ёдгорлик мажмуаси Тошкент вилоятининг Чиноз тумани «Дўстлик» фермер ҳўжалигида жойлашганлиги

ҳамда мажмуанинг жануб томони қадимги Парак, яъни Чирчиқ дарёсига туташган бўлиб, унинг ҳудуди жанубга қараб пасайганлиги, шу боис бу ерда қадимги бозор майдони бўлгани тахмин қилинаётганлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, шимол тарафидан қалъа девори асосий шаҳар дарвозасига пандус шаклда туташ-

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кучаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бунча турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г-756

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6568 нускада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ